


23456  
10 0



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

---

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК 809.437.5-1/-8+34/571.1/

КЎЧИМОВ ШУҲРАТ НОРҚИЗИЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЛАРИНИНГ ТИЛИ

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят  
кодекси ва Жиноят-процессуал кодекслари асосида)

10.02.02. — миллий тиллар (ўзбек тили)

Физиология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И


Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилди.

- Илмий раҳбар — филология фанлари доктори, профессор Н. М. МАҲМУДОВ
- Илмий маслаҳатчи — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Ф. А. АБДУМАЖИДОВ
- Расмий оппонентлар — филология фанлари доктори, академик А. РУСТАМОВ
- филология фанлари номзоди Ҳ. БЕКТЕМИРОВ
- Етакчи муассаса — Гулистон Давлат университети

Диссертация ҳимояси 1995 йил “2” наэбр соат 14<sup>50</sup> да Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш бўйича Д 015.31.21. рақамли ихтисослаштирилган кенгаш йиғилишида бўлади (700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси ФАНИНГ асосий кутубхонасида (Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 13-уй) танишиш мумкин.

Автореферат 1995 йил “27” сентябр да тарқатилди



23456

10 0

Ихтисослаштирилган илмий  
кенгаш котиби, филология  
фанлари доктори

Э. А. УМАРОВ

## ТАДЖИКОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ҳар бир ҳалқнинг ўз тарихий тараққиётидаги энг ноёб ва мукаммал бойлиги, санъати бу унинг тилидир. Тил - ҳалқнинг тақдири яшаш тарзи, маънавий Ватани ҳисобланади. Шу боисдан ҳар бир ҳалқ ўз она тилининг соғлиги ва камолати учун қайруради. Таассуфки, узок йиллар она тилимизнинг қонуний ҳуқуқла-ри поймол этиб келинди. Ўзбекистоннинг ўз муқаддас мустақилли-гини қўлга киритиши шароғати билан тил, миллат, ҳалқ, давлат тушунчалари ўзларининг асл маъно салоҳиятларини инкишоф этди. Мустақил Ўзбекистоннинг одил Президенти И.А.Каримов таъкидла-ганларидек, "Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урғ-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар қайғиятига итобий таъсир кўрсатмоқда"<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг дав-лат тили ҳақидаги қонуни ҳам мустақиллик сари қўйилган дадил қадамлардан бири эди, бу ҳужжат ўзбек тилининг ҳаққоний мақо-мини қонунлаштириди. Енобарин, Конуннинг 6-моддасида айтилади-ки, "Ўзбекистон ССР Олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органла-рининг қонун, карор ва бошқа ҳужжатлари республика давлат ти-лида тайёрланади, қабул қилинади ва ёълон этилади"<sup>2</sup>. Қонунда-ги бундай моддалар ўзбек ҳуқуқий тилига янги-янги вазифалар юкрайди.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг муста-қил давлат сифатида шаклланиши, шунингдек, ўзбек тилига давлат мақомининг берилishi ўзбек қонунлари тилининг илмий тиҳатдан ўр-ганилишига муҳим қонуний асос бўлди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шу кунгача ўзбек қонунчилик услуби алоҳида бир соҳа сифатида шаклланмади, албатта, бунинг реал сабаблари мавижуд. Маълумки, шу пайтгacha иттифоқдаги республикалар совет тузуми исказласида яшаб келди. Бу республикалар ўз қонунларини мустақил равишда қабул қилиш, ёълон этиш ҳуқуқидан маҳрум эди-лар. Иш юритиш асосан рус тилида олиб борилган ва шу тилдаги

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. -Тошкент: Ўзбекистон, 1992, 6-7-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССРнинг қонуни. Ўзбекистон ССРнинг Давлат ти-ли ҳақида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1989, 7-б.

қонунлар амалда бўлган. Шу сабабдан республикамида қонун тузиш услубиятини ўрганишга эҳтиёж сезилмаган. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини ёълон қилган бугунги кунда ўзбек қонунчилигининг тилини илмий жиҳатдан ўрганиш энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. "Туб ҳукуқий ислоҳотлар шароитида қонун ижодкорлик фаолиятининг суръатлари ва қўлами усив бормоқда. Бу эса, ўз навбатида қонун лойиҳаларини тайёрлаш муаммоларини атрефлича изчил мухокама қилишни тақозо этмоқда. Шу боис ҳукуқ тили, ҳукуқий атамалар масалаларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш мухим аҳамият касб этмоқда"<sup>1</sup>.

Бинобарин, бу масалага барча масъул шахслар – ҳукуқшунослар, тиљшунослар жиддий эътибор бериши зарур. Чунки ҳар қандай қонун одилона ҳукуқий кучга эга бўлиш билан бирга тил ва услуб жиҳатидан мукаммал бўлмас экан, у ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни батара олмайди.

Тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ўзбек қонунчилиги услубининг алоҳида бир соҳа сифатида шаклланшини ўрганишни, ўзбек қонунлари тилини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишни мақсад килиб қўяди. Ҳар қандай услубнинг шаклланиши учун ўзига хос лексик, морфологик ва синтактик белгиларнинг иштироки мухимдир. Ана шу талаблардан келиб чиқиб тадқиқотда қўйидаги масалалар қўйилган:

- қонун тилининг лексик-семантик томонларини аниqlаш;
- қонун тилининг сўз танлаш мезонини белгилаш;
- қонун тилининг лексик тараққиётини кузатиш;
- ўзбек қонунлари тилининг ўзига хос морфологик хусусиятларини ўрганиш;
- ўзбек қонунлари тилининг синтактик белгиларини қайд этиш;
- шу асосда қонунчилик тилини услубий жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан айрим тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур ишда ўзбек қонунларининг тили илмий жиҳатдан яхлит ҳолатда тадқиқ этилган, уларнинг лексик-семантик, морфологик, синтактик белгилари аниқланган; бугунги кун қонун матнларини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

<sup>1</sup> Сайдов А., Косимова М., Каримова Л. Ўзбек ҳукуқий атамалари муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993, 2-сони, 38-б.

Итнинг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқикот ўзбек қо-  
нунларининг тили юзасидан аниқ илмий хуносалар чиқарим имкони-  
ни беради, қонун тузиш услубиятининг алоҳида бир соҳа сиғати-  
да шаклланишига ҳисса қўшади.

Мазкур илмий иш қонун гузувчи – мутахассислар учун қўллан-  
ма, юридик институти, шунингдек, олий укув юрларининг ғилоло-  
гия ва журналистика факультети талабалари учун укув қўлланмаси  
вазифасини ўтаги мумкин.

Тадқикот методлари. Тадқикотни яратишда бир қанча тилшу-  
нос олимларнинг, хусусан, А.Руломов, Ф.Абдурахмонов, Ш.Шоабду-  
рахмонов, М.Асқарова, Ш.Рахматуллаев, А.Ҳожиев, Н.Махмудов,  
Э.Бегматов, А.Шомақсудов, И.Мукаррамов, Р.Қунғуров, Р.Дониёр-  
ларнинг илмий ва илмий-методик ишларига таянилди. Энг муҳим  
асос сиғатида ўзбек тилининг ўзига хос қонуниятларига асосла-  
нилди. Айни пайтда йирик ҳуқуқшунос олимлар А.Сайдов, Ф.Абду-  
мажидов, Ф.Аҳмедов ва бошқаларнинг иплари ҳам айни муаммо тад-  
қиқида асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқикот манбай. Мазкур тадқикотни яратишда бом комусимиз  
Конституциянинг ҳамда соғ юридик соҳага оид қонунларнинг тили-  
ни илмий қўҳатдан тұла ўрганиб чиқитга харакат қилди. Диссер-  
тация олдига қўйиладиган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда Ўзбе-  
кистон Республикаси Конституцияси<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Йи-  
ноят кодекси<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Йиност-процессуал кодексо-  
лари<sup>3</sup> асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, собиқ совет  
ҳокимияти Йилларида (1920–1990) қабул қилинган кўпгина ўзбекча  
қонун матнлари ҳам ўрганилди.

Итнинг ғорийланиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги Академиясининг "Тиллар" кафедраси-  
да, ЎЗР ҒА Тилшунослик институти Терминология бўлгининг кенгай-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Ташкент: Ўзбекистон, 1992.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Йиност кодекси.– Ташкент: Адолат, 1993; Ўзбекистон Республикаси Йиност кодекси (1994 йилнинг 22 сентябринда ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ўн олтинчи сессиясида тасдиқланган).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Йиност-процессуал кодекси.–Ташкент: Ўзбекистон, 1991; Ўзбекистон Республикасининг Йиност-процес-  
суал кодекси (1994 йилнинг 22 сентябринда ўн иккинчи чакириқ Ўз-  
бекистон Республикаси Олий Советининг ўн олтинчи сессиясида  
тасдиқланган).

тирилган йилинида муҳқама қилиниб, химояга тавсия этилган.

Илмий иш юзасидан диссертант томонидан Низомий номли ТДИИ, Ўзбекистон Республикаси ИМВ Академияси профессор-ўқитувчилар-членг илмий-назарий конференцияларида, Ўзбекистон Республикаси ФА Тиљшунослик институтида ўтказилган анъанавий ёш олимлар конференцияларида (1990–1994) маъruzалар қилинган.

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши. Мазкур диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишда қонунчилик услубига оид айrim тавсияларимизни ҳам илова қилдик.

### ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида функционал услублар, уларнинг тасиғи, расмий иш услуби, туркий тилларнинг расмий иш услуби юзасидан отбори лаган илмий-назарий тадқиқотлар ҳакида маълумот бериллади, шунингдек, қонун тилининг ўзига хос экстралингвистик белгилари (холислик; қатъийлик, расмийлик, аниқлик, қисқалик, шахсизлик, мантикий изчиллик) аниқланади.

"Қонун тилининг лексик-семантик хусусиятлари" деб номланган бонинчи бобда қонун тили лексик-семантик жihatдан тадқиқ этилади.

Қонун тилининг юкоридаги белгилари унинг лексик жihatдан сўз ташлаш мезонини белгилайди, яъни қонун тилида турли бадий тасвир воситалари ўхнатиш, метафора, синекдоха, литота, аллегория, жонлантириш, гипербола, нуболага, турли сўз ўйинларини кўллашга йўл қўймайди. Чунки қонун тилида бирор нарса иккинчи суга ўхнатилмайди, қиёсланмайди, маъно кўчмайди. Жунинг учун ҳам ораз, хамол, бандвако, диёр, ёп, соҳибжамол, гагиваш каби поэтик-лексика, эмоционал-экспрессив. сўзлар, жаргон, арго ва тевага хос сўзлар қўлланилмайди.

Қонун тили лексикаси олимлар томонидан турлича гурӯҳлаштирилалди<sup>1</sup>. Бу фикрларни ўрганиб чиқиб, қонун тили лексикасини:

<sup>1</sup> Ҳаданг: Бабаханова Д.А. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис. ... канд. фил. наук.-Ташкент, 1987. 10-б.; Пиголькин А.А. По толкованию нормативных актов СССР,-Ч., 1962. 13-б.; Узаков А.А. Очески советско-узбекоязательной стилистики.-Пермь, 1967. 165-б.

қўйидагича гурухлаштиридик:

1. Умумистеъмол лексика.
2. Фразеологик лексика.
3. Атамалар.

Қонун тилида умумистеъмолдаги сўзлар кенг қўлланади. Бундай бўлиши табиий, чунки қонун тилининг лексик жиҳатдан ўта ихтинослашуви мақсадга мувофиқ эмас. Қонун азал-абад мазмунан бешад хилма-хил, айни пайтда бениҳоя қамрови кенг ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турадиган хужжат бўлиб, унга факат мутахассисларгина эмас, балки мамлакатнинг барча фуқаролари бирдай у ёки бу йўсунда мурожаат қиласидар. Қонун тил жиҳатидан кенг омманинг идрок имконларини ҳисобга олган ҳолда тузилмоғи зарур, бусиз қонун ва жамият ўргасидаги узлуксиз алоқанинг устуворлигини таъминлаш амри маҳол. Џу маънода қонун тилида умумистеъмолдаги лексика саломининг юкори бўлтии зарурӣйдир.

Тадқиқотда қонун тили лексикасининг ўзига хос белгиларини тўла аниқлаш мақсадида қонун тилининг умумистеъмол сўзларни от, сифат, олмош, деъл сўз туркумлари бўйича таҳлил қилинади.

Қонун матнларида от сўз туркумига хос сўзлар бошқа сўз туркумларининг умумистеъмол сўзларига нисбатан кўпчиликни ташкил қиласиди. Бундай сўзларга шахс, иш, мулк, қонун, хужжат, мехнат каби сўзларни мисол сиғагида келтириш мумкин.

Умумистеъмолдаги от туркумига хос айрим сўзлар сўзлашувдаги эмоционал-экспрессиевлик хусусиятини йўқотиб, нейтраллик касб этади. Масалан, сўзлашувда ўғрилик, чайқовчилик, фирибгарлик каби сўзлар услубий бўёққа эга бўлиб, кўпроқ салбий маънода қўлланади. Қонун матнida эса уларнинг бу хусусиятлари йўқолиб, расмийлик, аниқ бир маънолилик хусусиятида эга бўлади, натижада улар атамалик вазифасини бажаради. Масалан: ўрсилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширия равишда ўгирилаш уч шилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача муддатгача ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади /ЎЖК 231-б. 125-м./.

Қонун тили умумистеъмолдаги барча сўзларни қабул қиласермайди. Жумладан, умумистеъмолда кўп ишлатиладиган, кучли эмоционал-экспрессиевлик иёлаловчи йўргаламоқ, кекхаймоқ, сидирламоқ, вангилламоқ, жанрамоқ каби ҷеъллар, шунингдек, ғеълларнинг бош, кел, ўтири, тур каби бўйруқ формалари, биринчи ва иккиччи таржкишилик олмошлари /ман,сан,биз, сиз/, гумон олмошлари /алла-

дайси, алланима/ деярли қўлланилмайди. Бу жihatдан, айниҳса, умумистеъмолдаги сифат туркумига оид сўзлар қатъий чегараланиш хусусиятига эгадир. Конун матнларида инсон характеристига хос хусусиятларни ифодаловчи /мугомобир, содда, зиқна, ёўр/, инсон ҳолатини билдирувчи /хурсанд, маъс, сулув, латиф/, шакл-кўриниш билдирувчи /новча, узун, оғғин/, маъза-тамъ билдирувчи /ширин, аччик, нордон/ сифатлар деярли ишлатилмайди. Албагта, бунинг объектив сабаби бор. Конун тилининг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик, шахсизлик каби экстралингвистик хусусиятлари юқоридаги каби сўзларни ишлатишга йўл қўймайди.

Конун матнларида фразеологик лексиканинг ҳам фаол қўлланиши кузатилди. Жумладан, атроф мұхитни соғломлаштироқ, мехнат қобиљиятини йўқотмоқ, жазони енгиллаштироқ, айбни оғирлаштироқ, жиноят иши қўзғатмоқ, айбини бўйнига олмоқ каби бир қанча иборалар қўлланилди. Ҳатто, айрим ўринларда битта гапнинг таркибида бир нечта ибораларнинг ушиб келиши ҳолатлари ҳам учрайди. Бу иборалар умумадабий тилдаги иборалардан шуниси билан фарқ қиласдики, уларда эмоционал-экспрессивлик сезилар-сезилмас даражада бўлиб, асосан фразеологик маъно етакчилик қиласди, уларнинг айримлари матндан ташқарида услубий бўёққа эга бўлиши мумкин, лекин конун матнига киргач, улардаги услубий бўёқни конуннинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик хусусиятлари кўмиб кетади.

Конун тилидаги иборалар таркибицаги айрим сўзлар кўчма маънода келса ҳам ибора бутунлай кўчма маъно касб этмайди, балки уларнинг маънолари компонентлари ифодалаган маънодан узоқлашиб кетмайди. Ибора бир нечта сўзлардан ташкил топса, шу сўзларнинг баъзилари ўзларининг тўғри маъносида, айримлари кўчма маънода ишлатилади. Масалан: сессияни очмоқ, ишни очик кўрмоқ, овоз бермоқ ибораларидаги сессия, иш, овоз сўзлари тўғри маънода, очмоқ, очик кўрмоқ, бармоқ сўзлари кўчма маънода қўлланилган.

Тадқиқот натижасида конун тилидаги ибораларнинг ўзига хос томонларини ўрганиб чиқиб, улар асосан фразеологик қўшилмалардан иборат, фразеология бутунлик ва фразеологик чатишмалар деярли қўлланилмайди деган холосага келдик.

Назкур тадқиқотда конун тилини лексик-семантик жihatдан таҳлил этишда атамаларга асосий дикқат-зыгиборни қаратдик. Конун

тилида атамалар кенг миқёсда ишлатилиди. Бу атамаларни гурхлаттириш борасида турли мунозаралар мавғуд<sup>1</sup>. Еу фикрларга ҳам танқидий, ҳам иғодий ёндашган ҳолда конун матнларидаги атамаларни қўйидагича гурхлаттиришни маъқул деб төлдик.

- 1) ижтимоий-сиёсий атамалар;
- 2) кенг қўлланадиган, аммо хукукий ҳужжатда маҳсус матнсиз касб этадиган атамалар;
- 3) хукукий атамалар.

Давлатниң ички ва ташки сиёсати, мағкураси, ижтимоий-спёссий воқеалар, улар билан бўғлиқ ҳодисалар конун матнларида ўз аксини топади. Шунга кўра конун матнларида кўплаб ижтимоий спёссий атамалар кўлланилиди. Бундай атамаларга давлат, ҳозирнинг, байроқ, гегб, レスпублика, судх, инқилоб каби атамаларни келтирип мумкин. Тилшунос А.А.Бурячок атамаларносида ижтимоий-сиёсий атамаларниң ўрни ҳакида: "Улар атамаларносилик лексикасининг асосий қатламиши", – деб ёзган эли<sup>2</sup>. Ҳакиқатдан ҳам, конун матнларидаги ижтимоий-сиёсий атамалар конун тилида кўлланадиган атамаларниң боғча гурхлатнига нисбатан кўпчиликни ташкил қиазди.

Конун тилида атамаларниң яна бир гурухи борки, уларни ижтимоий-сиёсий атамаларга ҳам, соғ хукукий атамаларга ҳам киритиб булмайди. Улар қундаклик ғафлиятимизда жуда кўп ишлатиласа-да, уларни туб илдизидэ ғафлиятчилик ётади. Бундай атамаларга конун тилида кўлланадиган ҳар хил иш қофозларининг ношлари адиба, тилҳат, иғонч ҳати, шунингдек, мажліс, мехнат стажи каби атамаларни келтирип мумкин.

Мазкур тадқиқот ишни яратишда асосий зўтиборни хукукий атамаларга қаратиб, уларни маъносига ва тузилишига ўрганиб чиқдик ҳамда хукукий атамалар тараққиётини масалаларига мумкин қадар муфасссал тұхтаб үтишга харакат килдек. Чунки хукукий атамалар сиз конунининг булиги мумкин энис, алниңса, жиноят ва жиноят-процессуал кодекслария асосан хукукий атамалардан тарғиб топади.

<sup>1</sup> Бу ҳақда каранг: Ейро Л.М. Совершенствование законодательной техники в условиях ускорения социально-экономического развития советского общества. –Ташкент: Фан, 1988, 80-б.; Сабицкий В.Ч. Язык процессуального закона. Вопросы терминологии.-И., 1987, 27-б.; Ялчи замонга. -И., 1990, 70-б.

<sup>2</sup> Бурячок А.А. Гармонизация отдельного фонду социальчно-политично правотии суюнчилов'истикх. №20.-Ишл., 1989, 22-б.

Агарда хиноят ва хиноят-процессуал кодекслари матнини иккি организмiga қиёсласак, хукукий атамаларни хиноят кодекси матнинг суюги(скелети) дейиш мумкин.

Таджикот натижасида хукукий атамаларни маъносига кўра курадагича гуроухлаштиридик.

1. Хукукий соҳанинг маъмурий органлари ва бу органлардаги айrim бўлим номлари: адвокатура, суд, камок, колония, прокуратура, каице, ички ишлар бўлими кабилар.

2. Хукукий соҳада фаол қўлланадиган айrim хуҷжат номлари: конституция, кодекс, амнистия, айбнома, яноним хати, кўнун, молда, айблов хуқми кабилар.

3. Хукукий соҳада ишлайциган шахсларнинг мансаб ва лавозимлари: судья, адвокат, химоячи, терговчи, прокурор, халк маслахатчиси, сержант, капитан кабилар.

4. Хукукий соҳа билан алқадор шахсларнинг номлари: судланувчи, гумонланувчи, айбланувчи, айблор, гуроҳ, махбус, меносхур кабилар.

5. Хиноят турларининг номлари: мансабдорлик хинояти, хисий хиноят, харбий хиноят, давлатга карши хиноят кабилар.

6. Ейноятни очиб учун килинган ишлар номи: судишибидув, тергов, тафтит, тинут, кидириш, излап кабилар.

7. Суд хукмининг номлари: озодлаъдан маҳрум этиш, мусодара килиш, фавқулодда ҳазо чораси кабилар.

Тузилишига кўра хукукий атамалар содда, куфт, кўпма ва сўз биримаси шаклида булиб, уларнинг асосини суд, айб, хиноят, кўнун, кодекс, хукуқ каби туб сўз-атамалар тағкил қиласди.

Содда атамалар куфт, кўпма ва қисқартма тағкилаги атамаларга иксбатан миқдор жиҳатидан кўп булиб, уларнинг ясалшида иккি сўз туркуми, яъни от (маслаҳат-чи, хукук-тунос, химоя-чи) ва феъл (супптиб-(у)в, терг-(о)в, кидир-им) фаол қатнамади. Содда атамалар асосан -чи (химоячи, маслаҳатчи), -вчи (терговчи, судланувчи), -в(тинут, судлов), -(и)л (ахтарит, айблор), -тинос (кўнунтунос, хаттунос),-гар (гаевбгар, даъвогар), -дор (айблор, аялдор), -(и)м (эгрим, битим), -хур (мерросхур, изфақахур), -тик (босқинчилик, судланганилик) оғлинилари, туннингдек, -нома (айблома, эътироознома) каби оғлинилари оркази ясалади.

Хукукий атамалар доирасида куфт атамалар хизмати оғлини

## II.

Эгаллайди. Бундай хукукий атамаларга хукук-тартибот, қонун-коида, хатти-харакат, талон-тарз каби атамаларни көлтириш мүмкин.

Кузатишлар шуни кўрсатдик, композицион усул билан сўз ясан каммаҳсул бўлиб, айрим ўринлардагина хукукбузар, қонунбузар, тихат каби атамалар учрайди.

Сўз биримаси шаклидаги хукукий атамалар жуда ҳам ғаол бўлиб, уларни шартли равишда иккига – оддий ва мураккаб сўз биримаси шаклидаги хукукий атамаларга асрарин мумкин. Оддий сўз биримаси шаклидаги хукукий атамалар икки сўздан ташкил топган бўлиб, улар хукукий соҳага оид маъноларни англатади. Улаб:

а) икки хукукий атамадан, масалан: жиноят кодекси; б) умумадабий тилдаги сўз (аниқловчи) ва хукукий атамадан (аниқланминг) масалан, халқ супи, хамоат кораловчиси; в) хукукий атама (аниқловчи) умумадабий тилдаги сўз (аниқланминг), масалан, судлов ишлари, тергов харакатлари; г) умумадабий тилдаги икки сўздан: ахлоқ тузатиш, мажбусий чора, кафолат берувчи кабиларден ташкил топади.

Икки компонентли хукукий атамалар морфологик тиҳатдан асосан З хил кўринишда бўлади:

1. от + от: халқ маслаҳатчиси, жиноят колекси, хамоат хизоячиси кабилар;

2. сифат + от: ҳарбий жиноят, майда ӯғирлик, холис гувоҳ кабилар;

3. от + феъл: номусга тегиш, пора бериш, пора олиш, боскинчилик килиш кабилар.

Мураккаб хукукий атамалар уч ва ундан кўп сўздан ташкил топган атамалар бўлиб, улар сўз биримаси шаклидаги ятамалар орасида миқдор тиҳатдан кўпдир. Бундай хукукий атамаларга уч компонентли: ички ишлар органи, жиноят кисиорув органы, қонун чиқарувчи орган, суннинг бўлқарув шарлиси, кечикчэ эазо чора дарли кабиларни; тўрт компонентли: дастлабки хукукий ҳолатни тикдат (реституция), ӯзини руҳий касадликча солиш, тиббий харакатлариги мажбусий чора дар кабиларни; беш компонентли: икки ва ундан кўп судланган пахс (рецидивист), хокимнот ёки хизмат ваколатидан четга чиқиши кабиларни мисол сифатидя көлтириш мумкин.

Маэкур тадқиқотда узбек хукукий атамаларининг сиёҳларни тарақкиётини аниқлат мақсадида Октябрь тўнтаришидан то ҳозирга-

чақабул қилинган қонунлар ва бу даврда яратилган ҳуқукий атамалар лурати ҳам үрганиб чиқилди. Бу кузатишлар 1917-1993 йилларда ҳуқукий атамалар 4 даврни босиб ўтганигини кўрсатди. Бу даврларни кўйидагича номлаш мумкин:

1. Арабча ҳуқукий атамаларнинг салмоқли ўрин әгаллаган даври (1917-1937).
2. Русча ҳуқукий атамаларнинг мажбуран ёппасига кириб келиши (1938-1950 йил урталариғача).
3. Русча ҳуқукий атамаларнинг аста-секинлик билан (бир маҳомда) кириб келиши (1950 йилнинг урталаридан 1990 йилгача).
4. Рус ва Оврупо тилларидан ўзлашган ҳуқукий атамаларни узбекчалаштириш тараёнининг бошланиши (1989-1990 йиллардан ҳозиргача).

Октябрь тўнтаришидан кейин ўзбек ҳуқукий тилини яратиш борасида, яъни рус тилида ёзилган қонунлардаги ҳуқукий сўз ва атамаларни ўзбек тилида қандай ифодалаш мумкинлиги ҳакида кўп-дан-кўп тортишувлар бўлди.

Айрим олимлар русча ҳуқукий атамалар ўрнида илгаридан мавжуд бўлган, яъни шариат нормаларидағи арабча атамалар асосида юритишни маъқул деб билдилар. Шу нуқтани назардан бу йилларда бир қанча ҳуқукий атамалар араб тилидан олинган атамалар асосида юритиди, масалан: прокурор-муддай умуми, томонлар-тарафайин, нотариус-мукавала маъмури, ҳомийлик ҳуқуки-васоят ҳуқуки, озодлик ҳуқуки-варсат ҳуқуки тарзида юритилган.

Айрим олимлар эса ўзбек ҳуқукий атамаларини туркий тилларга хос сўзлар асосида юритигни мақбул йўл деб биладилар. Еу борада маърифатпарвар олим Фози Юнус томонидан кўп ишлар қилинди. У 1926 йилда "Русча-ўзбекча қисқача ҳуқукий ва сиёсий лугат"ни туздил<sup>1</sup>. у лугатда русча ҳуқукий атамаларни туркий сўзлар асосида беришга ҳаракат киляган, бу ишда бўйик таҳонтир Амир Темурнинг "Темур тузуклари" рисоласига асосланади ва кўп ҳуқукий атамаларни шу китобдан олади, масален: суд - йорғу, гувах - айғоқчи, кодекс - тузук, судья - йорғучи кабилар.

1933 йилда маъмурий-ҳуқукий лугат чоп этилди. Бу лугатда ҳам русча сўзларни мумкин қадар ишлатмасликка, кўпроқ арабча ва туркий тилларга хос ясама ҳуқукий атамаларни иритишга хара-

<sup>1</sup> Фози Юнус. Русча-ўзбекча қисқача ва сиёсий лугат. -Тошкент: Ҳуқуқнамр, 1926.

кет килинган. Бундай интилш ва эсабча хукукий атамаларни саклаб қолиш анынаси 1938 йилгача давом этди. 1938 йиллардан бoshлаб узбек қонунларининг матнларига русча хукукий атамалар сунъий равиятда ёппасига олжир кирила болжанди<sup>1</sup>. Бу йилларда амадда булган қонун матнларидаги атамалар рус тилида кандай булса, узбек тилида ҳам тундайлигича ишлатилганини курит мумкин: отвод, давность, секретар, протокол, заседатель, суд составил, определение, свидетель, гражданский делосы, статья, штраф, спровоцировать кабилар. Бу жараён 1950 йилларнинг урталари гача давом этди. Бу давода русча хукукий атамалар таржихи кескин ошиб кетди. Бу барча миелатларни тилларни бир-бирига сингдириш сиёсатининг натижасидир.

1950 йилнинг урталаридан бoshлаб, русча хукукий атамаларнинг кириб келиш жараёни бир оз секинлиги. Бу даврга келиб, ҳатто, айрим (1938-1950 йил урталари гача русча булган) атамаларни узбекчалаштиришга эрганиди, чунончи бу йиллардаги қонун матнларидаги русча заседатель – маслахатчи, определение – ахрим, свидетель – гурах, статья – мадда тарзда берилди, лекин асосий хукукий атамаларни рус тилида кандай булса, узбек қонунларининг матнларигда тундайлигично ишлатиг давом этди.

1959 йилда хукуктунос олим Ф.Бакиров томонидан "Юридик терминлар лугати"<sup>2</sup>, 1983 йилда Ә.Мухиддинов, К.Мирзажонов томонидан "Юридик терминларнинг кискача русча-узбекча лугат-справочники"<sup>3</sup> натр этилди. Бу лугатларда ҳам айрим хукукий атамаларнинг узбекча мукъబили булса-да, уларнинг урнида кўпроқ русча атамаларни бериш тамоилига амал қилинди. Айтиш бундай атамаларнинг аксариятини рус тилидан узлашган дейиш учалик түғри булмайди. Масалан, лотин тилидан: адвокат, акция, инспектор, кодекс, конструктор кабилар; француз тилидан: гарантия, леклер, боллетеңь директива, паспорт, армия, анкета кабилар; немис тилидан: арест, гауптвахта, ваксель, лагер, еррейтор, квартита кабилар; ғон тилиден: амнистия, монополия, монархия, гегемон, демократия ка-

<sup>1</sup> Буни Ф.Бакировнинг кузатиллари ҳам тасдиқлайди. Қаранг: Бакиров Ф. Некоторые вопросы узбекской терминологии. В сб.: Уч. зап. Таш.юрид.ин-та. Вып. I. 283-б.

<sup>2</sup> Бакиров Ф.С. Юридик терминлар лугати. -Ташкент: Зан, 1959.

<sup>3</sup> Мухиддинов Ә., Мирзажонов. К. Юридик терминларнинг кискача русча-узбекча лугат-справочники. -Ташкент: Ҷиптуви, 1983.

Билар; инглиз тилидан: блок, концерн, мистер, коллек кабилар; араб тилидан: аддия, адмирал, хинсият, махбус, махкум, конун, давлат, маммурият кабилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамиз, ҳалқимиз уз-ўзи-ни англаш ҳараёнини бошидан ўтказмоқда. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилининг давлат мақомини олиши, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка әримғанлиги туғайли ўзбек хуқуқий тилига ғиддий эътибор бериш, хуқуқий атамалар дүгатини яратиш, хуқуқнинг турли соҳаларига оид атамаларни тартибга солиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўп хуқуқий атамалар асл ҳолига қайтарилмоқда. Охирги йилларда яратилган ва лойиҳалаштирилаётган қонун мениларида чет тиллардан ўзлашган атамалар ўзбекчалаштирилмоқда. Ҳумладан: отвөл – раддия, давность – ўтган муддат, суд состави – суд хайъати, президиум – раёсат, кабинет – девон, мактаба кабилар.

1993 йилда масаланинг ниҳоятда муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда хуқуқшунос олимлар F.Ахмедов, А.Сайдов раҳбарлигидан юридик атамалар ва иборалар дүгати яратилди<sup>1</sup>. Бу дүгатда Оврупо тилларидан ўзлашган хуқуқий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини бернига ҳаракат қилинган. Бу билан дүгатни тузувчилар Октябрь тўнтарилишидан сўнгги дастлабки дүгат тузиш анъанасини давом эттирганлар. Шунингдек, дүгатда айрим мулоҳазали ўринлар ҳам таъзигина. Бу ҳакда диссертацияда батафсил тұхталиб үтилди.

Иккинчи бўб "Қонун тилининг морфологик хусусиятлари" деб номланниб, қонун тили лексикаси сўз туркumlари бўйича таҳлил этилади. Бунда асосан от, феъл, сон, олмоп, кўмакчи, борғловчи, сўз туркumlари ва уларнинг айрим грамматик, функционал формаларига тұхталиб үтилади.

Маълумки, ҳар қандай матнда ботка сўз туркumlарига нисбатан от сўз туркуми кўп қатнашади. Қонун тилида эса бу ҳолатнинг (от сўз туркмининг кўп қатнаниши) яна ҳам юқорилиги кузатилди. Бу қонун тилининг атамалашган тил эканлиги билан изоҳланали.

Қонун тили отларнинг категориал ва функционал формалари-нинг исплатилиши юзасидан ўзига хос хусусиятга эга бўлаб, отларнинг ғиҷрайтириғ (китобча, балиқча), эркалаш (Рагиджон, Азиҳон), хурмат (опамлар келдилар) формаларини ҳамда келишик қўшил-

<sup>1</sup> Ердик атавалар ва иборалар дүгати. –Тошкент: Адолат, 1993.

чаларининг поэтик формаларини қабул қилмайди. Шахссиэлик, расмийлик, нейтралият, этический хусусиятларига кўра унда I ва II шахс эгаллик қўшимчалари, кишиларнинг исми, фамилияси, тахаллуси, лақаблари, кучли эмоционал-экспрессивлик ифодаловчи сифатлар, соғ кигилик олмошлари (мен, сен, биз, сиз), чама ва гамловчи сонлар; I-II шахс сон қўшимчалари кўлланни майди.

Қонун тилида асосий ёътибор ҳаракатнинг субъектига эмас, объектига қаратилади. Феъл дароғалари ичидаги мағхуллик дарахасида бу хусусият тўла мавжуд<sup>I</sup>. Шунинг учун ҳам мағхуллик дарахаси феълнинг бомка дароғаларига нисбатан кўп кўлланади. Масалан: суд чиқимлари суд кишингандар устига оклатилади ва суд томонидан улашининг ҳар қайсисига таксимланади ёки давлат хисобига утказилади (УК 50-б. 87-м.).

